



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2021 йил 18 сентябрь, № 201 (7981)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШХТГА РАИСЛИК ЎЗБЕКИСТОНГА ЎТДИ

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 17 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган мажлисда ШХТга аъзо давлатлар етакчилари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имрон Хон ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди.

Ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлатлардан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, фариш меймон сифатида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов қатнашди.

Шунингдек, тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ижроия органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, ШХТнинг ўтган 20 йилдаги фаолиятининг асосий яқуналари ҳамда кўп қиррали ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди. Глобал ва

минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бугунги халқаро муносабатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ошиб бораётганини таъкидлади.

— Ўтган даврда ШХТ халқаро сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторида муносиб ўрин эгаллади. “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида минтақавий шериклик мустаҳкамланиб бормоқда. Янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги умумий салоҳият ортиб бормоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигимиз кенгаймоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари иштирокчилар эътиборини ШХТ кун тартибидан турган долзарб масалаларга қаратди ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сурди.

— Бугун барчамиз жаҳонда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси биздан ташкилотимиз доирасида янада жипслашишимизни ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашимизни талаб қилмоқда, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон етакчиси умумий хавф-хатар ва таҳдидларга ўз вақтида ва биргаликда жавоб қайтариш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТ

мақонида дўстликни мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан хавотир билдирилди. Мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришнинг аниқ принциплари таклиф этилди. Давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламидан сиёсий вакиллар бўлиши, инсон, хусусан, хотин-қизлар ҳамда миллий озчиликлар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши шулар жумласидандир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида Президентимиз қузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда “ШХТ — Афғонистон” форматида юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш таклифини билдирди. Биринчи шундай учрашувни Тошкентда ўтказиш имконлиги айтилди.

2021-2022 йилларда ШХТга Ўзбекистон Республикаси раислик қилишини инobatга олиб, давлатимиз раҳбари ташкилотнинг келгуси даврдаги асосий устувор йўналишлари ва вазифаларига тўхталиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Эмомали Шарипович! Ҳурматли ҳамкасблар! Мажлис иштирокчилари!

Сизларни чин дилдан қўлайман ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганининг йигирма йиллиги муносабати билан билдирилган барча табриكلарга қўшиламан.

Тожикистон Республикаси Президенти, ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмонга бизга кўрсатилган ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик ва юбилей учрашувимиз аъло даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Тожикистон томонининг муваффақиятли раслигини, унинг давомиди кўп томонлама ҳам-

корлигимизнинг барча йўналишларида очик ва самарали мулоқот таъминланганини юксак баҳолаймиз.

Душанбе саммити — ташкилотимизнинг роли ва аҳамияти юзасидан фикр алмашиш, унинг салоҳиятига ва биргаликда ишлаш истиқболларига янги назар билан қараш учун яхши имконият.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган даврда ШХТ жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

Минтақавий шериклик “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туриш бўйича қўшма салоҳиятимиз мустаҳкамланмоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси биздан янада жипслашишимизни талаб қилмоқда. Бир-биримизни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда. Шу мақсадда:

— ШХТнинг очилигини, учинчи давлатлар

ва бошқа ташкилотларга қарши қаратилмаганлигини сақлаб қолиш;

— умумий хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва биргаликда чора кўриш;

— минтақавий иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш;

— минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш, ШХТ мақонида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ҳамкасбларимнинг чиқишларида таъкидлангандек, барчамиз Афғонистондаги вазиятдан жуда хавотирдамиз.



II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муқтарам фестивал қатнашчилари!

Қадри дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни янгилаётган Ўзбекистонимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётган, бағрикенг Қорақалпоғистон диёрида, гўзал Нукус шаҳрида ўтказиляётган II Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод қиламан.

Бугунги санъат байрамида қатнашаётган ЮНЕСКО, АЙСЕКО, ТУРКСОЙ, МДХнинг Ижроия қўмитаси, Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази каби бу йил ташкилотлардан ташриф буюрган мартабали меҳмонларга, дунёнинг турли давлатларидан келган 260 нафардан зиёд халқ ижодиёти намояндаси, санъат ва маданият арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Азиз дўстлар!

Халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий турларидан бўлган бахшичилик санъати юксак гуманизм ғояларини, тинчлик ва дўстлик, адолат ва ҳақиқат каби эзгу ғояларни маънавий ахборот тараннум этади. Шу боис ҳам бахши, оқин ва жировлар азалдан халқ қалбининг куйчилари, турли миллат ва элатлари бирлаштирадиган оқибатлар инсонлар сифатида ардоқлаб келинади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ — КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ТАШКИЛОТИ» ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Афғонистондаги барчамизни ташвишлантираётган вазият мени ҳам хавотирга солмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ушбу мамлакатда мутлақо янги воқелик қарор топди — жуда қисқа вақтда “Толибон” ҳаракати деярли бутун ҳокимиятни ўз қўлида жамлади.

Янги ҳокимият олдида жамиятни жипслаштиришдан тортиб барча этносиёсий гуруҳларни ўз ичига олган лаёқатли ҳукуматни шакллантиришгача

босиб ўтилиши керак бўлган мураккаб йўл турибди.

Моҳиятан, вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари, афғон давлатчилигининг тикланиши ва умуман, халқаро ҳамжамият билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши шунга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда мамлакат фуқаролар уруши ва гуманитар инқироз домиди қолиб кетган, халқаро ҳамжамиятдан яққаланиб қолган, унинг ҳудуди эса халқаро террорчилик ва

наркотиклар ишлаб чиқариш “хаби”га айланган давр — тўқсонинчи йиллардаги ҳолатига яна қайтиб қолмаслигига қатъий кафолатлар йўқ.

Энг яқин қўшни сифатида биз ўша йиллардаги шундай хавф-хатар ва таҳдидларга бевосита дуч келганмиз ҳамда Афғонистондаги вазият шу сценарий асосида ривожланиши эҳтимолининг барча салбий оқибатларини аниқ-равшан англаб турибмиз.

Шу муносабат билан Афғонистон бўйича

ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари борасидаги нуктаи назаримиз билан бўлишмоқчиман.

Биринчи. Афғонистон ҳудуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу борада сўз юритганда, энг аввало, экстремизмнинг ортиси ва радикал маффуранинг экспортини, Афғонистон ҳудудидан мамлакатларимизга қарши қўпуровчи ҳаракатлар учун фойдаланиши, жангариларнинг чегараларни бузиб ўтиш хавфини назарда тутаяпман.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бугун ушбу мамлакатда янги воқелик рўй берди, ҳокимият тепасига янги кулар келди. Бу — амалга ошиб бўлган факт. Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятга, шунингдек, мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур.

Хусусан, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламларидан кенг сиёсий вакилликка эришиш; минтақада экстремизмнинг кўпайишига ва радикал мафкура экспортига, Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатларга қарши бузувчи ҳаракатлар учун фойдаланилишига йўл қўймаслик; инсоннинг, шу жумладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш; кенг қўламли гуманитар инқироз, қочоқлар оқими ўсишининг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ушбу мамлакатга кўмакни давом эттириш мумкин.

Бу борада Афғонистоннинг хорижий банклардаги давлат активларига нисбатан қўлланган музлатишни бекор қилиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

Сайё-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва ушбу мамлакатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида «ШХТ — Афғонистон» форматида, кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда, юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиб боришни тақлиф этимиз. Биринчи шундай учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишга тайёриймиз.

Азиз дўстлар!
Бугунги саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдақ шарафли ва жуда масъулиятли вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтмоқда.

Хўрматли ҳамкасбларимдан билдирган табриқлари ва эзгу тилақлари учун чин дилдан миннатдорман.

Ўз навбатида, биргаликдаги ишларимизнинг келгуси даврга мўлжалланган устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб олишни истардим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ – КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ТАШКИЛОТИ» ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Умумий сайё-ҳаракатлар билан, қатъий чоралар қўрган ҳолда, биргаликда террорчиларни «қайноқ нуқталар»дан Афғонистонга қўчириш қаналарини кесил мумкин.

Шу муносабат билан ШХТ МАТТ Ижроқўми ва КХШТ Котибияти, шунингдек, давлатларимиз махсус хизматлари йўналишида амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш тарафдоримиз.

Иккинчи. Янги ҳокимиятни тан олиш жараёнига кириш учун шароитлар яратиш мақсадида Афғонистон ва унинг атрофидаги вазиятнинг ривожланишига нисбатан ШХТ ва КХШТнинг умумий стратегик ёндашувини ишлаб чиқиш жоғатда мумкин.

ШХТГА РАИСЛИК ЎЗБЕКИСТОНГА ЎТДИ

ШХТ доирасида кўп қиррали шериклиқни янада кенгайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш тақлифи билдирилди.

Ўзбекистон Президенти савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, боғжона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишни енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакиллари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш учун келгуси йилда Ўзбекистонда ШХТ Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказиш режалаштирилмоқда.

ШХТ саноат кооперацияси дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда аъзо давлатлар ҳудудида индустриал кооперация марказларини ташкил қилиш мўҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда «Шарк — Ғарб» ва «Шимол — Жануб» йўлларни тизимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

— ШХТ маконида инфратузилмавий тараққиёт бўйича узоқ муддатли дастурни биргаликда тайёрлаш ташаббусини илгари сурамиз. Унга энергетика, коммуникациялар, «яшил» тараққиёт соҳаларида трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Камбағаллиқни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида, Ўзбекистон Президенти бу борада вазирларнинг учрашувлари ва экспертлар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиш механизмининг жорий қилиш тақлифини илгари сурди.

Минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги сайё-ҳаракатларни

Биринчи. ШХТ салоҳияти ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги сайё-ҳаракатларни давом эттириш мумкин.

Навбатдаги учрашувимизга қадар Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани келгуси беш йилда амалга ошириш бўйича комплекс дастур тайёрлашни тақлиф этимиз.

Иккинчи. ШХТнинг минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш тақлифини илгари сурамиз.

Унга савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, боғжона тартиботларини рақамлаштириш бўйича биргаликдаги чораларни ҳамда бозорларга ўзаро чиқишни енгиллаштириш бўйича бошқа тадбирларни киритиш лозим.

Учинчи. ШХТ саноат кооперацияси дастурининг қабул қилинишини жадаллаштириш мумкин.

Мамлакатларимизда Индустриал кооперация марказларининг ташкил этилиши дастурни амалга оширишнинг амалий механизми бўлади.

Биз, шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказишга тайёриймиз.

Тўртинчи. ШХТнинг Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича стратегиясини қабул қилиш мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда «Шарк — Ғарб» ва «Шимол — Жануб» коридорлар тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ШХТ маконида инфратузилмавий ривожланиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз. Унда энергетика, коммуникациялар, «яшил» тараққиёт соҳаларидаги трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин.

Бешинчи. Камбағаллиқни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш маса-

ларлари биз учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада вазирлар учрашувлари ва экспертлар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиб бориш механизмининг яқин фурсатда жорий этилиши жоғат мўҳим, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчи. ШХТ маконида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги сайё-ҳаракатларни фаоллаштириш мўҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Бугун қабул қилинаётган Хавфсизлик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш механизmlарини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорнинг амалга оширилиши, жумладан, ШХТ МАТТ салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш бунга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда эгт ақтан ташаббуслар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини тиклашни тақлиф қиламиз.

Еттинчи. Ҳамкорларимиз ахборот хавфсизлиги соҳасида тўплаган муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, ШХТнинг бу мавзуга бағишланган экспертлар форумини таъсис этиш мақсада мувофиқ.

Бу кибермақондаги замонавий таҳдид ва хатарларга мос равишда жавоб қайтариш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Саққизинчи. Биз «халқ дипломатияси»да биргаликда эришилган натижаларни ижобий баҳорлаймиз, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш, қўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказишдан манфаатдоримиз.

Шу мақсадда «ШХТ эзгу ният элчиси» институтининг таъсис этилиши тарафдоримиз. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Туризм соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимни тайёрлашни тақлиф қиламиз.

Мураккаб вазиятга қарамадан, биз Ўзбекистон — Афғонистон транспорт узели — ушбу мамлакатга озиқ-овқат ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш учун энг мўҳим йўл фаолиятини, шунингдек, электр энергиясининг узлуқсиз таъминотини тўхтатмадик.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ёрдамнинг тўхтатилиши жафокаш афғон халқининг шундоқ ҳам оғир аҳволини янада қийинлаштиради.

Айни пайтда янги ҳокимият қўшма лойиҳаларни амалга оширишда хавфсизлиқни қафолатлаш шарт.

Бешинчи. Афғонистоннинг яққалаб қўйи-

Тўққизинчи. Пандемия соғлиқни сақлаш соҳасида янада яқиндан ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўрсатди. Бу борада инфекциясон касалликларни профилактика қилиш ва даволаш, ковиддан кейинги реабилитация, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олиш масалаларида ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишимиз лозим.

Учинчи. Ўзбекистон раис сифатида ташкилотимиз доирасидаги ҳамкорлик лойиҳаларига кузатувчилар ва мулоқот бўйича шерикларни фаол жалб қилишни режалаштирган.

Бугун қабул қилинаётган Эрон Ислом Республикасини ШХТ аъзолигига қабул қилиш тартиботини бошлаш ҳамда Саудия Арабистонини Подшоҳлиги, Миср Араб Республикасини ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шерик макомини бериш тўғрисидаги қарорларни олқишлаймиз.

Хўрматли делегациялар раҳбарлари!
ШХТ бош қотиби лавозимига жаҳонбўй Мин номодини қўллаб-қувватлаймиз ва унга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Минтақавий аксилтеррор тузилма Ижроия қўмитаси директори лавозимига Руслан Мирзаев номзоди қўллаб-қувватлангани учун ҳамкасбларимга миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, ШХТ Котибияти ва МАТТ Ижроия қўмитасига умумий мақсадларимизни ва ташкилотимиз вазифаларини илгари суритишда қизгин фаолиятни учун ташаккур изҳор этаман.

Мўҳтарам ҳамкасблар!
Бугун қабул қилинаётган жоғат мўҳим қарор ва ҳужжатлар мамлакатларимизнинг янада ривожланиши ва ШХТ нуфузининг юксалишига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни келгуси йил 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига тақлиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Юртимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида, Нукус шаҳридаги опера ва бахшичилик санъати мактабида миллий фольклор санъати кенг ўргатилмоқда. Шунингдек, яқинда ташкил этилган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа институтини таркибида бахшичилик бўлими очилганини ҳам қайд этиш лозим. Мақсуд йўналишда дарс бераётган ўқитувчилар учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

“Ўзбек халқ достонлари”, “Ўзбек халқ қўшиқлари” номли дарслиқлар, кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами чоп этилди. Шу билан бирга, 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорлиқлари” мажмуаси нашр этилмоқда.

Халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бу йўналишда олиб борилаётган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, миллий бахшичилик санъатини ЮНЕСКОнинг номодий маданий мерос рўйхатига киритиш чоралари кўриломоқда.

Қадриli фестиваль иштирокчилари!
Биз бугунги нуфузли санъат анжуманини кўҳна ва навқирон қорақалпоқ ўлкасида ўтказаяётганимиз беҳиз эмас, албатта.

Қорақалпоғистон деганда, аввало, мардларга Ватан бўлган, меҳнаткаш ва олижаноб эл яшайдиган бетакрор диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу заминдаги Тупроққалъа, Аёққалъа, Катта Гулдурсунқалъа, Эллиққалъа каби ноёб обидалар қадимий цивилизация ва маданиятнинг тарихий илдиэларидан далолат беради. Уларни бир бора кўрган, бепоён кенгликларда бахши ва жировлардан достон ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Қорақалпоғистон бугунги кунда Ўзбекистоннинг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди, халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусиқани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган қорақалпоқ эли ушбу анжуманни катта шоду хуррамлик билан қутиб олмақда.

Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст Қорақалпоқ ахлига чин юракдан ташаккур билдираман.

Қадриli юртошлар!
Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестиваль дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг мўҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самийий миннатдорчилик билдираман.

Барчамизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фестиваль

КЎҲНА ОҲАНГЛАР ЯНГРАМОҚДА

Нукус шаҳрида 17 сентябрь кунин II Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, жамоатчилик вакиллари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, ёшлар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг II Халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, туризм ва спорт вазирини Азиз Абдухалимов ўқиб эшиттирди.

Қорақалпоғистонда ушбу нуфузли фестивални ўтказишга алоҳида ҳозирлик қўрилди. Бу борада 2021 йил 10 апрелдаги “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик қўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори мўҳим аҳамият касб этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий меросимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бахшичилик санъати ривожига ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётир.

Санъатнинг бу бебаҳо йўналиш раванқи йўлида тегишли “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида халқимизнинг бу дурдона санъати ёшларга беэавол ўргатилмоқда. Эшлунос, фольклоршунос олимлар соҳада тегишли изланишлар олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг рамзий қўргонлари бунёд этилган майдонда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ҳаёт тарзи, хунармандчилиги ва амалий санъати, халқ томошалари, миллий урф-одат, анъана ва қадриятлари ифодасини топи.

— Ушбу халқаро анжуманда халқимизнинг нафакат санъати, балки қадриятлари, урф-

Халқаро экспертлар:

ШХТ доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган янги устувор йўналишлар минтақада барқарор ва мустаҳкам ўзаро боғлиқлиқни йўратиш учун «ҳисоб нуқтаси»га айланади

Ўзбекистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе саммитидаги нутқи хориж эксперт доираларида фаол шарҳланмоқда.

Дунё нигоҳи

Доктор Оланворавут Ниннат, Жануби-Шарқий Осиё олий ўқув юртлари ассоциацияси бош қотиби:

— Ўзбекистон Президентининг нутқи Тошкентнинг Марказий Осиёни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган хавфсиз, барқарор ва изчил ривожланаётган минтақада айлантиришга қаратилган янги очик ташқи сиёсати шароитида минтақавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга.

Рой Энтони Рожерс, Малайя халқаро ва стратегик тадқиқотлар университети кафедра мудири:

— Аввало, Ўзбекистон раҳбариятининг 2021-2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб олгани билан табриқлайман. ШХТнинг Ўзбекистон раислиги давридаги фаолиятининг устувор йўналишларини диққат билан ўрганиб чиқдим. Улар хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт ўзаро боғлиқлиги, энергетика, коммуникация, «яшил тараққиёт», сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги 80 дан ортқ тадбирлар ўтказишнинг назарда тулмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда муваффақиятли амалга оширилган давлатлараро муносабатларни янгилаш бўйича минтақавий сиёсатини янада кенроқ микёсда фаол илгари сурётганини таъкидлашнинг истаёман. Унинг ШХТ доирасида кўп қиррали шериклиқни янада кенгайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ



ни ўзаро тўлдиришга хисса қўшади.

Ўзбекистонга 2021-2022 йилларда ШХТга раислик даврида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мирзиёевнинг «ШХТ — Афғонистон» форматида юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш тақлифи ўз вақтида илгари сурилди ҳамда ушбу мамлакатдаги инкирози сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича сайё-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу жараён билан боғлиқ масалаларни кенг муҳокама қилишда мўҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг экстремизм ва радикал мафкуранинг ўсишига, Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатларга қарши қўруқчулчи ҳаракатларида фойдаланиш эҳтимолига йўл қўймасликка оид қатъий фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистоннинг ШХТга авалги раислиги даврида бўлгани каби жорий мандат ҳам ушбу ташкилот салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ваколатини юксалтириш учун муваффақиятли ва самарали бўлишига ишончим комил.

«Дунё» АА.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВЛАРИ ТАШВИҚОТИ ШУ ЙИЛ 20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Таъкидлаш жоизки, Сайлов кодексининг 44-моддасига мувофиқ, сайловдаги ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Ташвиқоти сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш таъқиқланади. Нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш таъқиқланади.

Кеча бўлиб ўтган Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ана шу масалалар атрофида муҳокама этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловдаги ташвиқоти ҳалқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти тўғрисидаги масалаларга ўтказилди. Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти тўғрисидаги қарори билан Президентликка номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти 2021 йил 20 сентябрдан бошлангиси қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Миллий телерадиокommаниясининг республика ва маҳаллий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир ҳақми ва вақти, шу билан бирга, "Янги Ўзбекистон", "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Народное слово", "Овози тожик", "Гузель жол" ҳамда маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдонини таъсидқилди.

Оммавий ахборот воситалари сайловдаги ташвиқоти даврида бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдонини доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар-

нинг сайловдаги ташвиқоти даврида чиқишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги тадбирларини ёритишда тенглик принциплари риоя қилиши лозим.

Қайд этилганидек, Сайлов кодексининг 46-моддасига асосан, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар, Президентликка номзодларга ҳақ эъвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ҳамда Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ билан биргаликда сайловдаги ташвиқоти мониторингини олиб боради. Мониторинг натижалари ҳар куни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарори бўйича қўшиб олиб бериш таъқиқланади. МСК қарорига мувофиқ Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХТТ) Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХ)дан 28 нафар узоқ мuddатли кузатувчи рўйхатдан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган ана 7 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг жами 32 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари жами 962 (48 нафар хорижий) нафарини ташкил этмоқда.

Юқнда мажлис кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Сенат қўмитаси

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан вазирлик ва идораларда гендер тенглик стратегияси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунириш мақсадида семинарлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Фавқуллода вазиятлар ва Қўрилиш вазирликлари ходимлари учун ташкил этилди.

Унда сўз олганлар томонидан сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда

уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни таъзияк ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ишловлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Шунингдек, семинарда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенглик эришиш стратегияси мазмун-моҳияти, гендер тенгликни таъминлашнинг илмий-назарий асослари ҳамда хотин-қизларни таъзияк ва зўравонликдан муҳофиза этишда ҳимоя орденининг аҳамияти масалаларида маърузалар қилинди.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан "Юксалиш" умумийлиги ҳаракати биносида "Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари қўйиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Тадбирда фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш долзарб масалалардан бири экани алоҳида қайд этилди. Бойси юртимизда болаларни фарзандликка олиш учун талаб юқори бўлиб, биргина 2017 йилда 4 минг нафар бола қонуний

тартибда фарзандликка олинган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 4,1 мингтадан, 2019 йилда эса 4,3 мингтадан ташқил этган.

Йиғилишда қонунга киритилган ўзгаришлар қўйиш ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ишловлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Иштирокчилар бу лойиҳанинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини тўлақонли таъминлашга, болаларни қонунга зид фарзандликка олишга чек қўйиш ҳамда бола савдосига барҳам беришга хизмат қилишини таъкидлади.

«Халқ сўзи».



«Электрон ҳукумат» тизими: КОРРУПЦИЯНИНГ КАТТА ДУШМАНИ

Бор-йўғи қафтдек келадиган смартфон қараб, баъзан хайратланаман. Шу кичик матоҳ орқали бугун минглаб юмушларимизни бир зумда бажариш имкониятига эгамиз. Йигирма — ўттиз йил аввал ўша даврнинг, ҳатто энг кучли компьютерлари урдадай олмаган функциялар ҳозирги телефонлар учун "чўт" эмас. Оддий мулоқот воситасининг қисқа вақтда шунчалик тақомиллашиши эса аслида инсон ақлини шоширадиган ҳолат.

Бу каби суперкашфиётлар яратилишига туртки бўлган асосий омил нима? Табиийки, инсониятнинг ҳаёт тарзини энгиллаштириш истаги! Буни глобаллашув давридаги кучли табиий эҳтиёж, деб атасак ҳам бўлади. Натижалар эса қутилганидан-да зиёда. Ҳозир уйимиздаги юмшоққина курсида ўтирган ҳолда қатор вазифа ва масалаларни осонгина ҳал эта оламиз. Бунинг учун сенсорли экрандаги керакли функцияларни танлаш учун бармоқларимизни қимирлатасак, кифоя. Қолганини алгоритмлар бошқаради. Бу — инновацион ишланмалар, рақамли технологияларнинг шарофати.

Қувончлисиз, бундай замонавий қулайликлар энди ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олмақда.

Ислоҳот

Бюрократик тўсиқлар бартараф этилади

"Электрон ҳукумат", деган тушунча бугун кенг оммалашаяпти. Чунки барча соҳа электронлашаётир. Мазкур жараёндан давлат ва жамият бошқаруви ҳам четда қолаётгани йўқ. Ҳокимият органларининг халқ олдида шаффоф ва адолатли хизмат кўрсатиши айтиш шун тизимнинг самарали йўлга қўйилишига боғлиқ. Муҳими — эришилгандан натижалар...

Масалан, "электрон ҳукумат" давлат органларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлайди. Бошқарув ҳаражатларини қисқартиради. Тезкорлиқни оширади. Аҳоли ва бизнесга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини оптималлаштиради ҳамда соддалаштиради. Ўз навбатида, халқ билан ҳукумат ўртасида бюрократик тўсиқлардан холи шаффоф ва қулай мулоқот тизимини яратди.

Бундан ташқари, мазкур тизим фуқароларнинг технологик билими ва малакасини оширишга, давлат бошқарувида, шу жумладан, қарорлар қабул қилишда халқ иштирокини, жамоатчилик ўрнини кенгайтиришга хизмат қилади. Демократик таъминлашнинг чуқурлаштириш, давлат идораларининг халқ олдидаги масъулиятини мустақамлашда ҳам "электрон ҳукумат"нинг аҳамияти катта.

Бу тушунчага турли адабиётларда турлича таъриф берилган. Аммо "Электрон ҳукумат" атамасини аънавий ҳукумат тушунчаси билан адаштирмаслик лозим. Моҳиятига кўра мазкур тизим мамлакат миқёсида маъмурий тартиб-таомилларни автоматлаштиради, давлат бошқаруви самарадорлигини оширади.

Уч муҳим йўналиш

"Электрон ҳукумат" фаолияти уч йўналишни қамраб олади: "давлат — давлат", "давлат — бизнес" ва "давлат — фуқаро". Бу тизим давлат муассасалари ўртасида ахборот алмашиш самарадорлигини таъминлайди. Жойларда режалаштириш ва бошқарув сифатини юксалтиради. Жамоатчилик фикрини мунтазам мониторинг қилиб бориш ҳамда унга таъсир кўрсатиш имконини беради. Давлат ва бизнес муносабатларида эса маъмурий тартиб-таомиллар автоматлаштирилади. Пировардида бизнесни рўйхатга олиш, солиқ ҳамда статистика ҳисоботлари, божхона декларацияларини топширишда тадбиркорлар вақти ва маблағи тежаллади. "Электрон ҳукумат" халқ билан мулоқот учун қўшимча механизмларни яратишга ҳам қаратилган бўлиб, ижро интизомини янада мустақамлайди.

"Электрон ҳукумат"ни жорий этиш орқали давлат хизматлари

ҳукумат" тизимини ривожлантириш мақсад қилинган. Ана шу муҳим вазифалар ижроси доирасида ўтган қисқа даврда "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасаси ташкил этилгани эътирофга лойик.

Уйдан чиқмай ишингизни битирасиз

Ҳар қандай ангиллиқни жорий этишда илгор хорижий тажриба асқатади. Айниқса, "Электрон ҳукумат" тизимининг муваффақиятли йўлга қўйилишида бу низоҳатда муҳим.

Халқроқ амалиётда эса ибратли мисоллар кўп.

Хусусан, бугунги кунда "Электрон ҳукумат" тизими Жанубий Корея, Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Норвегия, Канада, Нидерландия, Дания ҳамда Германия сингари

“Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2021 йил бошидан буён “Ягона дарча” БАТ орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига 45 минг 532 та мувофиқлик, 1 минг 154 та экология, 33 минг 635 та фитосанитар сертификат, 18 минг 472 та санитар-эпидемиологик ҳулоса, 3 минг 100 та ветеринария гувоҳномаси, 10 минг 609 та карантин рухсатномаси электрон тарзда тақдим қилинган.

мамлакатларда самарали ишлармоқда. Айтиш шунки манзилларда қўллаб давлат хизматларидадан уйдан чиқмаган ҳолда, онлайн режимида фойдаланиш мумкин. Сўровларга жавоблар ва расмий ҳужжатлар намуналарини олиш, уларни тўлдириб, электрон имзо билан юбориб, олий ўқув юртларида массофадан туриб тақсис олиш, ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат этиш, тури тўловларни амалга ошириш каби қулайликлар шулар жумласидандир.

Масалан, Жанубий Кореяда "электрон ҳукумат" инфратузилмаси 1987 йилда шакллантирилган. Ушбу тизим туфайли мамлакат аҳолиси дўконларда харид қилишдан тортиб векселларни тўлаш ва ҳужжатларни қайта ишлашгача бўлган деярли барча операцияни ўз ўлирини тарқ этмасдан амалга ошира оладилар. Жамоат жойларида ўзингизга керакли маълумотларни осонгина топишингиз ёки ҳар қандай электрон ҳужжати чоп этишингиз мумкин. Бунинг учун махсус терминаллар ўрнатилган.

Жанубий Корея ўртача интернет тезлиги борасида ҳам, аҳолини кенг поласали тармоқ билан қамраб олиш даражаси бўйича ҳам ҳар йили дунёда биринчи ёки иккинчи ўринни эгаллайди. Шуларнинг натижалари ўлароқ бундан бир неча йил муқаддам мамлакат давлат секторда 100 фоиз электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилишга эришилган.

Бу йўналишда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар қандай баҳоланмоқда?

Биз қайси ўриндамиз?

2020 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш индекси (E-government Development Index)да 1 балдан 0,62 балл тўплаган ҳолда 193 давлат орасида 81-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, бу кўрсаткич 2019 йилги натижадан 6 поғона, 2014 йилдагига қиёсаларда эса 20 поғона юқори. Рўйхат бошида 0,9758 балл жамгарган Дания Республикаси пешқадам бўлиб турибди. Ушбу мамлакат "Коррупцияни қабул қилиш" (Corruption

Perceptions Index) индексида ҳам биринчи ўринни қайд этиб, "Энг коррупциялашмаган давлат" деган эътирофга сазовор бўлди.

Бундан англашилаётган ҳақиқат шунки: "Электрон ҳукумат" тизими қанчалик тараққий этса, коррупциянинг илдиизига шу қадар болта урилади.

Бизда, таассуфки, телекоммуникация инфратузилмаси индекси (ТИ) пастлигича (0,33) қолмоқда. Рақамли иқтисодиётга ўтишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Президентимиз таъбири билан айтганда, аксарият вазирлик ва идоралар, қорхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ. "Электрон ҳукумат" тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Хусусан, давлат ахборот тизим-

ларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган. Ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга ошириляпти. "Электрон ҳукумат" инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаган. Бу давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда идораларроқ электрон ҳамкорлик қилишда АКТни кенг қўллашга таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқроқ рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизминини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2022 йилга келиб мамлакатимизнинг "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш индексида тўплаган баллини 0,70 га, 2030 йилда эса 0,86 баллга қўтариш белгиланган.

Шу билан бирга, "Коррупцияни қабул қилиш" индексида ҳам Ўзбекистон рейтингини 2020 йилдаги 27 баллдан 2022 йилда 31, 2030 йилга қадар эса 65 баллгача ошириш мақсад қилинган.

Учрашув жойи — «Ягона ойна»

"Электрон ҳукумат" тизимининг энг муҳим мезони — очкилик ва шаффофлик. Демак, унинг тўлақонли йўлга қўйилиши юқорида айтганимиздек, коррупцияга қарши жиддий ғов. Чунки инсон омилининг қамайиши ва унинг вазифалари технологиялар асосида амалга оширилиши ноқонуний

ҳатти-ҳаракатлар эҳтимолини қамайтиради.

Қолаверса, ахборот тизимларининг жорий этилиши пора олишда қўрқув ҳиссини шакллантириши ва бу иллатнинг ўз-ўзидан барҳам топишига замин яратиши ама-лиётда ўз тасдиғини топган. Зеро, "электрон ҳукумат"нинг вазифаси давлат хизматчиси ва фуқаро ўртасида бевосита алоқага киришиш ва бир-биридан манфаатдорлиқни қамайтиришдан иборат. Юртимизда "Ягона ойна" тизими ёки Давлат хизматлари агентлиги фаолиятининг йўлга қўйилиши айтиш шунки йўналишдаги ислохотлар мевасидир. Ҳозир мансабдор шахс ва фуқаронинг учрашув жойи давлат идораси ёхуд амалдорнинг офиси эмас, балки барча учун очик ва шаффоф бўлган ягона интернет макони, ягона портал ёки электрон тизимлар бўлмоқда.

Худди шундай илгор тажрибани "Ягона дарча" божхона ахборот тизими (БАТ) мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур тизим БМТнинг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон иш амалиётлари бўйича маркази томонидан ишлаб чиқилган "Ягона дарча" механизминини яратиш юзасидан тасвирлар ва йўл-йўриқ таомиллари мезонларига жавоб беради. Бу ерда тадбиркорлик субъектлари божхона расмийлаштирувида зарур рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар олиш учун белгиланган шаклдаги электрон аризини тўлиқ тўлдирди ва уларга зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда тегишли ваколатли органларга юборди. Шу маънода, "Ягона дарча" БАТнинг жорий этилиши божхона расмийлаштирув жараёнининг нафақат соддалашуви ва тезлашишига, балки соҳада шаффоф, очик ва коррупциядан холи механизм яратилишига сабаб бўлмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2021 йил бошидан буён "Ягона дарча" БАТ орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига 45 минг 532 та мувофиқлик, 1 минг 154 та экология, 33 минг 635 та фитосанитар сертификати, 18 минг 472 та санитар-эпидемиологик ҳулоса, 3 минг 100 та ветеринария гувоҳномаси, 10 минг 609 та карантин рухсатномаси электрон тарзда тақдим қилинган.

Айтиш шунки юртимизда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими портали (regulation.uz), Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва бошқа қатор электрон платформа ва инфратузилмалар ишга туширилган. Бу эса Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизими босқичма-босқич жорий қилинаётганидан алоқалатдир. Соҳада қонунчиликни тақомиллаштириш мақсадида 2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси", "Электрон ҳукумат" тизими архитектураси ва уни 2020 — 2025 йилларда ҳаётга татбиқ этиш режа-жадвали ишлаб чиқилган.

Хўш, булардан қандай умумий ҳулосалар келиб чиқади?

Маълумки, коррупция ёпиқ ва сирли маконда илдииз отади, шаффофликдан эса қўрқади. Шу нуқта назардан электронлашув моддий манфаатдорлиқни қамайтириш билан бирга, барча учун очик тизим яратилишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, "электрон ҳукумат"нинг шаклланиши давлат хизматчилари ёхуд мансабдор шахсларнинг вақти ва жисмоний кучи тежалишини таъминлайди, ортиқча оворагарчилик ҳамда сансалорликнинг олди олинади. Ҳар қандай масала индивиднинг аралашувисиз адолатли тарзда ҳал этилади. Бу эса коррупцияга барҳам беришнинг бош омилдир.

Дилшод САТТОРОВ,
Божхона институтининг Умумҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-4788

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.05 Топширилди — 02.55 1 2 3 4 5 6